

(1451-1510),
(1500-1510)

«Шайбонийлар сулоласи» асосчиси (1500-1510), Абулхайрхоннинг набираси, Будок султоннинг ўгли. Тугилганда унга туркийлар одатига кўра икки исм - Мухаммад (арабча) ва Шайбонийхон (туркийча) исмлари қўйилган. Абулхайрхон унга Шохбахт деб лақаб қўйган. Шайбонийхон гоят катта жисмоний кучга, харбий ташкилотчилик қobiliятига эга эди. «Бобурнома» асарида эса у «Шайбокхон», яъни «куч-кудрат эгаси» деб аталади.

Шайбоний ёлланма қўшин бошлигидан хон даражасига қўтарилган тарихий шахсдир. У нафакат саркарда балки, Шохбахт, Шойбок, Шибони, Шохибек, Шайбоний тахаллуслари билан газал, рубоийлар битган шоир ҳамдир. Шайбонийхоннинг адабий меъросидан бизгача бир нечта ўзбекча газал, рубоий ва «Бахр-ул худо» (1508-йил 14-май Бастом, Домгомда ёзиб тугалланган) номли достони ва 1507-1508-йилларда ёзилган ўгли валиахд Темур султонга аталган панд-насихатлардан иборат китоби мавжуд (унинг ягона нусхаси ҳозир Туркияда сақланади).

У ёшлигида отаси Будок султон ва онаси Кўзибегимдан етим қолгач, отасининг содик хизматқори Қорачабек оиласида тарбияланади. Кейинчалик Шайбонийга Туркистон ва Ўтрор ҳукмдори Мухаммад Мазид тархон ҳомийлик қилади. Шайбоний ёшлигида Бухоро мадрасасида таълим олади.

Шайбоний Дашти Қипчокка қайтиб бориб лашкар тўплашга муваффақ бўлган. У буюқ давлатни тиклаш йўлида ҳатти-ҳаракатни дастлаб ўз қўшини билан теурийларга ёлланма қўшин лашкарбошиси сифатида хизмат қилишдан бошлаган. Дастлаб Шайбоний парчаланган Амир Темур давлатининг шимолий чегарасида нойиблик қилаётган ҳомийси Мазид тархондан уни ўз хизматига олишни сўрайди. Аввалига бу таклифга рози бўлган Мазид тархон тезда Шайбонийни ўз ҳокимиятига ҳавф солиши мумкинлигини англаб етади. Натижада, у Шайбонийни Бухоро ҳокими Дарвиш Мухаммад тархон ихтиёрига жўнатиб юбориш орқали ундан қутулади. Чунки, Дарвиш Мухаммад бундай ёрдамга муҳтож эди. Унинг хизматидан бошқа ҳукмдорлар ҳам фойдаланганлар. Шайбоний ўз қўшини билан Мўғилистон, Мовароуннахр ҳамда Хоразм ҳукмдорларига хизмат қилиб, уларнинг қўшиларига ва ички рақибларига қарши қурашди. Бу қурашларда Шайбоний ўзининг мохир лашкарбошилиқ қobiliятини намоён қилади. Унинг бундай турмуш тарзини ёзма манбаларнинг муаллифлари «қозоқлик» яъни «ўз халқи ва қавмидан ажралиб қетган одамлар, тахт учун қурашда енгилса-да, аммо ўз ҳуқуқидан воз қечмаган ва ўз тарафдорларига бошчилиқ қилиб, вуқолифлари билан қулай фурсат пойлаб қурашадиган сулола вақили» деб аташган эди. Турли ҳукмдорларга хизмат қилиш Шайбонийга Теурийлар давлатидаги вазиятни яхши қилиб олишига имқон берди. Мовароуннахр ҳукмдорлари ва зодагонлари унинг хизматидан энг қўп манфаат қўриши натижасида Шайбоний Мовароуннахр зодагонлари орасида машхур бўлиб қетган эди.

Шайбоний қўчманчи ўзбеклар давлатини қайта тиклаш йўлида қураш олиб борган, бироқ „ўзбек-қозоқ" қабилалари томонидан қучли қаршилиққа дуч қелган. Бу қабилалар

Шайбонийхонни кўллаб-кувватлаган кабилаларни аста-секин жанубга томон сикиб чикарганлар. Шайбоний бобоси Абулхайрхон вафотидан пароканда бўлиб кетган кабилаларни бирлаштирди ва беаёв конли урушлар натижасида 1480-йилда кўчманчи ўзбеклар давлатини қайта тиклашга муваффақ бўлди. 1487-1488-йилларда Сайрам, Ўтрор ва Туркистон шаҳарларини ҳамда кўргонларни эгаллаб, Мовароуннахр яқинида мустахкам ўрнашиб олди. Бу кўргонлар келгусида унга Мовароуннахрни истило қилиш учун таянч вазифасини ўтаган.

Шайбонийхон кўчманчиларнинг жанговар анъаналари билан Ўрта Осиё шаҳарларининг маданий ютуқларини бирлаштира олиши унинг истилочилик юришлари муваффақиятли чиқишига ёрдам берди.

Шайбонийхон 1497-йилда Мовароуннахрга ўзининг дастлабки юришини уюштирган. У катта куч билан Самаркандга юриш қилди, лекин шаҳарни ололмасдан, Қарши ва Шахрисабзга ҳужум қилиб катта ўлжа билан қайтиб кетган. Шайбонийхон 1499-йилдан Мовароуннахрни забт қилишни бошлади. 1499-йилда у жангсиз Бухорони ва 1500-йилда теурийлар давлатининг пойтахти бўлмиш Самаркандни эгаллайди ва Султонли мирзони қатл эттиради. 1501-йилда эса Бобурни Қўҳак дарёси бўйидаги жангда енгиб, Самаркандда узил-кесил ўрнашиб олади. У энди катта қўшин тўплаб бутун Мовароуннахр ҳудудларини эгаллаш учун тайёргарлик қўра бошлайди. Шайбонийхон 1503-йилда Сирдарёнинг юқори томонига юриш қилиб, Махмудхон, Аҳмадхон ва Бобур бошчилигидаги мўғуллар, уларнинг иттифокчилари бўлган қалмоқларнинг бирлашган қучларига дуч келди. Архив шаҳри ёнида бўлган шиддатли жангда уларни тор-мор қелтириб, Тошкент ва Шохрухия шаҳарларини ишғол қилди. Бу шаҳарлар ҳокимлигига амакилари Қўчқунчи султон билан Суюнчхўжани тайинлади. 1504-йил баҳорида Фаргонани ишғол қилди. Самарканд шаҳри - Шайбонийхон давлатининг пойтахти этиб белгиланди. Шундан сўнг Шайбонийхон ишғол қилган ҳамма вилоятларга қариндош уруғларидан ёки ўзбек кабилаларининг юқори табақа вакилларида ҳокимлар тайинлайди. Шайбонийхон Мовароуннахрда ўз аҳолини яхшилаб олганидан кейин 1504-йилда Хусравшоҳ ҳукмронлик қилиб турган Қундуз шаҳрини бўйсунтирди, сўнгра Хуросон ва Хоразм султони Хусайн Бойқаро давлатини забт этишга ҳозирлик қўрди. 1504-йилда Шайбонийхон Бухородан Хоразмга юриш бошлади. Ўн ой давом этган қаттиқ ва шиддатли қамалдан кейин 1505-йилнинг август ойида Урганч эгалланди. Ўша йили қузда Шайбонийхон қўшинлари Хуросон тупроғига бостириб қириб Маймана ва Фарёбга етиб борди. 1506-йилда эса Балхни, 1507-йил май ойининг бошларида Шайбонийхон Хиротни ишғол қилади. Шундан сўнг Хирот ўзининг иқтисодий, сиёсий ва маданий марказ сифатидаги нуфузини йўқотди. Хуросоннинг бўйсунтирилиши билан амалда Мухаммад Шайбонийхон бутун минтақани ягона бир марказ - Самарканд қўл остида бирлаштира олди. 1508-йил баҳорида Шайбонийхон Жон остоналарида теурийларнинг сўнгги қўшинини тор-мор қелтириб, уларнинг Ўрта Осиёдаги барча илдиэларига барҳам беради. Шу тариқа, у XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб теурийлар амалга ошира олмаган вазифани бажара олди. Шайбоний 1501-йилда юз берган «Сарапул жанги» билан Мовароуннахр тахтини олган бўлса, «Марвичак уруши» билан бутун Хуросонни ўз тасарруфига қиритди. 1508-1509-йилларда ўзбек қўшинлари қозоқлар устига ҳужум қилиб, ҳар гал қўллари қаланд қелган. Шундай қилиб, Шайбонийхоннинг теурийларга қарши 1500-1509-йилларда олиб қорган шиддатли урушлар оқибатида Мовароуннахр,

Хоразм ва Хуросонни ўз ичига олган «Шайбонийлар давлати» вужудга келди.

1510-йилда Шайбонийхон Сафавийлар дайлатининг ҳукмдори Исмоил Сафавийдан Марв якинидаги Мурғоб дарёси қирғоғида, Тахрирободда мағлубиятга учрайди, эрон сафавийлари Шайбонийхонни қўлга олишади. Шох Исмоил буйруғига қўра, 1510-йил 12-декабрда унинг қалласи олиниб, қўсти шилинади, қўсти ичи сомон билан тўлдирилиб, Сафавийларнинг Ғарбдаги душманлари бўлмиш Усмонли турклар ҳукмдори Султон Боязид II ҳузурига жўнатилади. Шайбонийхоннинг бош қаноти эса шох Исмоил уни олтин билан қоплаб, базм-у жамшидларда унга май қуйиб, қадах ўрнида фойдаланган. Унинг бошсиз танаси Самарқанддаги Баланд Суфага дафн қилинган.

Шайбонийхоннинг ҳаёт тарихида эътиборга молик уч муҳим нуқта бор. У аввало, Ўрта Осиёликларнинг ички қўчларига таяниб юришлар қилган ва оқибатда чегараси Амударё доирасидан жуда узокка қўзилган бир мамлакатни барпо этган буюк соҳибқиронларнинг охиригиси эди. Бундан кейинги жанговар йўлбошчилар, маҳорат ва хирслари қанчалик қатта бўлсада, бу борадаги бахт-омадга эришолмадилар. Иккинчидан, бундан кейин Ўрта ва Ғарбий Осиёда қабилалар уруши қатъий тугади. Ўзбеклар Турон яйловидан жанубий ғарбга тушган қавмларнинг энг сўнги қабиласи бўлдилар. Учинчидан, илк Аму ва Сир дарёларининг нариги тарафидаги мусулмонлар билан Ғарбий Осиёдаги дин қардошлари ўртасида жуда яқин бўлмасада, доимий бир алоқа бор эди. Темурийларнинг инқироzi ва ҳалокатлари билан бу алоқа тамом бўлди. Хусусан, Сафавийларнинг шиалиқни қувватлашлари сабабли алоқа узилиши янада чуқурлашди. Шайбонийнинг қўчманчи қавмлари билан бу ўлканинг шимол тарафига юриши, бунда тамомила маълум диний-ижтимоий ўзгариш қилган (шиалиқ тарқалиши) вақтларга тўғри келгани учун Мовароуннахр янада тезроқ мустақил бўлиб олди: жуда қадим замонлардаги қабил Мовароуннахрнинг сув ҳудуди Турон билан Эрон орасида асосий бир чегара ҳолини олди.

Шайбонийхон рухоний уламоларига қатта ҳурмат, ҳатто болаларча итоат қилиб, барча уруш сафарларида ўзи билан баробар қичкина гўзал қутубхонасини олиб юрар, Темур қабил бу ҳам Дамашк ва Халаб уламолари билан диний мунозараларга қатнашган. Қуръоннинг баъзи бир оятлари ҳақида Хиротнинг пешқадам тафсирчилари бўлган Қози Ихтиёр ва Мухаммад Юсуфга эътироз билдирган эди. Шайбонийхоннинг ислом дини борасида яхши билимга эга эканлигини ҳатто Бобур ҳам тан олади. Шунинг учун бўлса керак Шайбонийхон ўзини чин мусулмонлар, яъни сунна мазҳабидаги мусулмонларнинг бошлиғи ва уларнинг ҳимоячиси деб ҳисобларди. Шунинг учун ҳам Шайбонийлар даврида яшаган олимлар хусусан, шоир ва тарихчилар уни "Халифа ур-Раҳмон" ва "Имом аз-Замон" яъни "давр имоми" ва "тангрининг ердаги халифаси" деб улуғлаганлар. Бу ном Шайбонийхонга Хирот олинган йили (1506) берилган.

Шайбонийхон маориф ва маданият ҳақида ўз даврининг руҳидан тўла ҳабардор ва ҳатто маориф жихатидан олдинга Темур шахзодаларнинг ақсаридан паст эмас эди. Замонасидаги тенгдош шоирларнинг ақсариятидан ортиқ даражада қалам соҳиб бўлган. Чунки унинг шеърлари буюк бир иқтидор ва гўзал табиатга молик эканини, у ҳам туркий ҳам форсий ҳам арабий тиллардан асосли суратда воқиф эканини қўрсатмоқда. Султон Хусайн Бойқаронинг вафотидан кейин бир сиким донга муҳтож қолган қўпгина

уламолар Шайбонийдан панох топдилар. У уламоларни хизматга олиб, муносиб вазифалар берди. Бухоро, Самарканд, Тошкентда масжидлар, мадрасалар солишга амр этди. Хатто харбий юришларда ҳам ўз атрофида бир неча уламо бўлган ва булар унга хурмат ҳамда садокат кўзи билан карашган.

Шайбонийхон давлатни иктисодий ва сиёсий жихатдан мустахкамлаш йўлида катор ислохотлар ўтказди. Биринчидан у давлат бошқарувида суюрол тизимини жорий этди, яъни забт этилган худудларни бошқариш ишини ўз фарзандларига, кариндош-уругларига, биродарларига, кабила бошликлари бўлган султонларга топширади. Хусусан, Балх - Султоншоҳга, Хисор - Маҳди ва Ҳамза султонларга, Андижон - Маҳмуд султонга, Кундуз - Аҳмад султонга, Хирот - Жонвафобийга, Марв - Кўбиз найманга, Тошкент - Суюнхожага, Хоразм - Кепакбий кушчига, Самарканд ва Кеш Мухаммад Темурга, Бухоро ва Коракўл - Маҳмуд султонга, Туркистон эса Кўчкунчихонга тақдим этилган.

Самарканд пойтахт сифатида хон тахтига ўтказиладиган жой ҳисобланган. У ерда хон шарафига хутба ўқитилган ва пул зарб этилган.

Иккинчидан, у мамлакатда ер-сувни кайтадан тақсим килди. Кўчманчи кабила зодагонлари енгилган маҳаллий мулкдорлар мол-мулкани муСОдара килиш, сотиш, эгасиз колган ерларни ўзлариники килиб олиш йўли билан мулкларини кўпайтириб олдилар.

Учинчидан, мамлакат ичида ижтимоий ҳаётни тартибга солишга имкон берувчи ислохот ҳам ўтказди. Кейинги 10 йил ичида соликлар оғирлигидан ва мулкдорлар жабр-зулмидан ер-сувларини ташлаб кетган хўжаликлар ерларини ишга тушириш масаласи кўриб чикди.

Тўртинчидан, Шайбонийхон 1507-йилда пул ислохотини ўтказди. Бунга кўра мамлакатнинг ҳамма катта шаҳарларида вазни бир хил - 5,2 грамм бўлган янги кумуш тангалар ҳамда мис чака пуллар зарб килиниб муомалага чикарилди. Бу ислохот иктисодиётни тартибга солиш ва савдо-сотикни жонлантириш максатида ўтказилган эди. Аини пайтда бу ислохот марказий ҳокимиятнинг сиёсий ва иктисодий мавкеини кучайтиришга, маҳаллий ҳокимлар мавкеини эса кучсизлантиришга, дехконларнинг солик тўлаш имкониятини оширишга, давлат в ахон мулкани кўпайтиришга имкон берди.

Бешинчидан, Шайбонийхон таълим соҳасида ҳам ислохотлар ўтказди. Бу ислохотнинг ўтказилишига амалдорлар гуруҳини вужудга келтириш ва уларни жамиятнинг асосий таянчига айлантририш зарурати сабаб бўлди. Хонларга ва султонларга барча соҳалар бўйича илми, дипломат кобилиятига эга бўлган амалдорлар зарур эди. Ислохотга кўра, кўп боскичли ўқитиш тизими жорий этилди. Таълимнинг кю боскичи мактаб ҳисобланди ва болага 6 ёшидан таълим бериладиган бўлди. Мактабда икки йил ўқигач ўқувчилар мадрасага ўтказиларди. Мадрасада 3 боскичли таълим жорий этилган бўлиб, унинг хар бир боскичида 8 йилдан ўқиларди. Шундай килиб, ўқиш 26 йил давом этарди.

Шайбонийхон томонидан амалга оширилган бу каби ва бошка тадбирлар ўз моҳиятига кўра марказий ҳокимиятни мустахкамлашга, шайбоний хонлари ва беклари ҳукмронлиги кучайишига хизмат килиши зарур эди.

